

Таникли адаб Рахмат Файзий 1918 йили Тошкентнинг Бешёгоч даҳасида косиб оиласида дунёга келди. У ўрта мактабни тугатиб, «Ленин учкуни», «Ёш ленинчи» рўзномалари мухаррииятларида ишлади.

Унинг дастлабки шеърий машклари, лавха ва очерклари мазкур рўзнома сахифаларида (1937) кўринди. Рахмат Файзий «Кизил Ўзбекистон», «Ўзбекистон маданияти» (1957-1959) рўзномалари, «Шарқ ўлдузи» (1951-1954) ойномасида ишлаган пайтларида унинг калами янада чархланди.

Улуг Ватан урушидан кейинги тинч курилиш йиллари ёзувчи «Тўй тўёнаси» (1951), Мирзачўлни ўзлаштираётган ёшларга багишланган «Чўлга баҳор келди» (1951), «Повест ва хикоялар» (1954), «Шохи дарпарда» (1958) каби очерк ва хикоя тўпламларини яратиб, ёзувчи сифатида элга танилди.

Ижодкорнинг «Текин музкаймок», «Менинг бобом», “Чўнтак”, «Нафиса» каби хикоялари болаларни миллий руҳда тарбиялашга хизмат этди. Рахмат Файзий 1962-1965 йилларда «Ўзбекфильм» киностудиясида ишлади. Унинг «Сен етим эмассан» 1960—1962), «Ёр-ёр» киноповестлари ўзбек миллий кинодраматургияси ривожига салмокли хисса бўлиб кўшилди. Айникса, ёзувчининг «Сен етим эмассан» киноповести дўстлик, ватанпарварлик ва инсоннарварликни куйловчи етук бадиий асар сифатида муаллифга катта шуҳрат келтирди. Фильм Бутуниттифок хамда хорижий мамлакатлар экранларида намойиш этилиб, томошабинларга манзур бўлди.

Рахмат Файзий 1969 йилда яратган «Хазрати инсон» романида темирчи Махкам ака ва Мехринисо опа фаолияти оркали оддий кишилар каҳрамонлигини кўрсатди.

Рахмат Файзий орден ва медаллар, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Полша халқ республикасида хизмат кўрсатган маданият арбоби фахрий увонлари билан такдирланди. Езувчининг датор асарлари рус ва бошка кардош тилларга ўтирилган. У 1986 йилда вафот этди.